

## **БОЛАЛАРДА БРОНХИАЛ АСТМАНИ ОЛДИНИ ОЛИШ**

**417 гурӯҳ талабаси Мухаммадиева Мухаббат,  
ассистент Қодирова Ш.С.  
Илмий раҳбар доц. Кудратова Г.Н.**

### **Аннотация**

Бронхиал астма сурункали касаллик ҳисобланиб, аҳолини соғлиғига кўп муоммаларни келтириб чиқаради, касаллик асосида наслий мойиллик ётади Ота-онасида аллергик касалликлар (бронхиал астма, аллергик ринит атопик дерматит, экзема, крапивница, Квинке шиши ва ҳ.к.) бор болаларда ҳаётини биринчи йилида астма касаллигини ривожланишига мойиллик юқори бўлади. (агар аллергик касалликлар билан отаси ёки онаси касал бўлса 25%, аллергик касалликлар отаси ва онасида ҳам кузатилса 50% учрайди).

**Калит сузлар:** Бронхиал астма, хавф омиллари, болалар.

Текширишлар натижасида аниқландиди, онага ва уни ҳомиласига экологияни ва касбий омилларни ножӯя таъсири норациональ овқатланиш, бола организмига юқори миқдордаги аллерген омилларни таъсири, респиратор инфекциялар ва бошқаларни астмани келиб чиқишига таъсири аниқланди.

Охирги ўн йил ичидаги болалар ўртасида бронхиал астма ва аллергик касалликлар касаллиги кенг тарқалганлиги аниқланмоқда.

Буни сабабини ҳар хил омиллар билан боғлаш мумкин:

Бир ойлигидан суный овқатланадиган болалар сонини кўпайиши; Уй шароитини ўзгариши, яъни уйдаги деразаларни гермитик ёпиқлиги, деворларни ва полни гиламлар билан безаш ва ҳ.к. булар хонадаги намликни оширади ва уй чангларини ва бошқа аллергенларни концентрациясини ошишига шароит яратиб беради;

Болаларни парваришларни ўзгариши - болаларни кўпчилиги боғчаларга қатнашиши ва уларни уерда ўткир вирусли инфекция билан касалланишига шароит яратилади;

Онанинг ёмон одатлари ҳомиладорлик даврида ва бола туғилгандан кейин папирос чекиши;

Аэрополлютантларни таъсири (атмосферани ифлослантирувчи модда), асосан NO<sub>2</sub>, манбаси автомобил транспорти ҳисобланади.

Бронхиал астма билан касалланган ҳомиладор оналарга дори препаратларини қўллаш ривожланаётган ҳомилага манфий таъсир кўрсатади. Ҳомиладорлик вақтида элименацион тадбирларга риоя қиласлик, онани соғлигига ва туғиладиган бола соғлигига таъсир қиласди.

Бронхиал астма билан касалланган ҳар бир bemor, ҳомиладорлик вақтида, пульмонологга ўзини кўрсатиб, касалликни сабабини аниқлаши, аллергияга хос текширишларни ўтказиши, тахлил натижаларига қараб, касалликни даволаш ва профилактикаси буйича керакли тавсиялар олиши зарур. Агар bemorda ҳар куни бронхни кенгайтирадиган препаратларга эҳтиёж бўлса (беротек, сальбутакмол, вентолин) базис терапия, яъни ингаляцион глюокортикоидлар берилиши керак. Она ҳомиладор бўлишдан олдин акушер-гинеколог куригидан ўтиши керак, яширин инфекция борлигини аниқлаш ва режали даволаниши керак Ҳомиладор аёллар ўртасида эпидимиологик текширишлар ўтказиш натижасида бронхиал астма касаллиги кенг тарқалганлиги аниқланди. Ҳомиладорлик даврида бронхиал астмани кечиши ҳар хил бўлиши мумкин. Ҳомиладор аёлларни маълум қисмида касаллик ремиссия ҳолатида бўлади. Ташки нафас олиш тизимини функционал кўрсатгичлари стабиль нормал ҳолатда бўлади, уларни даволаш шарт эмас.. Баъзиларини кайфияти ҳомиладорликни бошидан ёмонлашади, бу гормонал фонни ўзгариши билан боғлиқ. Бу қўпинча ҳомиладорликни биринчи ва иккинчи триместрида кузатилади. Ҳомиладор аёллар бронхиал астма билан албатта пульмонолог куригига бўлиши, вақтида нафас тизимини ҳолатини текшириб туриши керак Беморни энг катта хатоси ҳомиладорликга қадар ичиб юрган дориларини ҳомилага таъсир қиласди деб, ичмай қўйиши. Олимларни олиб борган текширишларидан аниқландик, ҳомиладорликда кузатиладиган асоратлар, яъни токсикозлар, фетоплацентар етишмовчилик, ҳомилани ривожланмай қолиши, қўпинча аёлларда бронхиал астмани даволамаганлиги натижасида кузатилган. Кўпинча аёллар ҳомиладорлак даврида уларда бронхиал астма касаллиги борлигини ва ахволини ёмонлашига олиб келадиган омилларни биладилар. Шунинг учун касалликни қандай кечишига қарамасдан бир қанча шартларга эътоат қилиши шарт.

Соғлом ҳаётни кечишини шакллантириш.

1. Кундуз кунлари ишлаш.  
2. Иш куни режалаштирилган бўлиши керак  
3. Химик ва жисмоний агрессив омиллар билан контактда бўлмаслиги шарт.

4. Ёмон одатларни (чекишини, ичишини) ташлаш.

Тўлақонли гипоаллергенли овқатланиш.

1. Парҳездан олдинлари тери қопламалари, нафас йўллари томонидан реакция берадиган ҳамма овқат маҳсулотларини чеклаш.

2. Организмни сезувчанлигини оширадиган ҳамма овқат маҳсулотларини – шоколад, клубника, цитрус меваларни, балиғ, тухум ва имкон борича сутни чегаралаш.

3. Иложи бўлса қондаги специфик IgE ни овқат маҳсулотлардаги микдорини таҳлил қилиш.

4. Парҳезда асосан уйда тайёрланган овқатлар бўлиши керак, иложи бўлса, консервалар, дудланган маҳсулотларни, чеклаш керак. Maiishiy гипоалларгенинлар.

Бронхиал астма билан касалланган ҳомиладорларда 90% уй чангига яққол ёки яширин аллергияси бор. Уй чангиги(пар ястиқлар чангиги, уй ҳайвонларини териси, жунлари) – бу кенг тарқалган хавфли аллергин ҳисобланади.

Maiishiy аллергенларни пасайтириш мақсадида қуйидагиларни бажариш керак.

1. Пар ястиқларни, курпаларни (пахтага) ўзгартириш ва уларни акарацид модда билан тозалаш, аллергияга қарши чехолларга кийгизиб қўйиш, ёки канага қарши моддаларни қўшиб паст температурада ювиш.

2. Ётоқхонадан уй чангини тўплайдиган гилам, паласларни, китобларни, деворда осилган расмларни олиб чиқиш керак.

3. Хоналарни тез-тез тозалаб туриш

4. Уй ҳайвонлари билан контактда бўлмаслик, ётоқхонага кирмаслик, уларни аллергияга қарши шампунь билан доимо ювинтириб туриш керак.

5. Ухлашдан олдин хоналарни шамоллатиб туриш.

6. Хонада ўсадиган тувакдаги гуллар замбуруғ аллергенлар манбаи ҳисобланади, уларга эътиборли бўлиш



7. Хоналарда тараканларни пайдо бўлишини олдини олиш, чунки аллергия чақириши юқори даражада.

Ўсимлик чангига юқори сезувчанлиги бўлган беморларга тавсиялар

1. Ўсимликлар чангланадиган даврда:
2. Қишлоқларга чиқишини чеклаш билан контактни камайтириш.
3. Очиқ ҳавода юрганда бош кийимини кийиш билан соchlарни, кўзни кўзойнак тақиши билан ҳимоя қилиш.

**Адабиётлар:**

1. Иманбаева Т. М., Шаким Г. А., Рамазанова Ш. Х. — Бронхиальная астма у детей // Сборник 3-й Республиканской научно-практической конференции «Экология и здоровье детей». — Астана, 2000. — с.59–60
2. Чучалин А.Г. Бронхиальная астма, Москва.-1998.-Т.1., Т2.-383 с., 326.
3. Kudratova , G. ., & Xolmuradova , Z. . (2023). ERTA YOSHDAGI BOLALARDA SHIFOXONADAN TASHQARI PNEVMONIYADA KLINIK-ANAMNESTIK O`ZGARISHLAR. Евразийский журнал академических исследований, 3(2 Part 2), 39–42.
4. А.Н.Окороков Диагностика болезней внутренних органов, М, Медицинская литература, 2000 г.
5. Kudratova Gulsara Najmitdinovna, Ishkabulova Gulchehra Dzhonkhurozovna, & Kholmuradova Zilola Ergashevna. (2023). CLINICAL AND ANAMNESTIC CHARACTERISTICS OF OUT-OF-HOSPITAL ZOTILJAM IN YOUNG CHILDREN. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 11(2), 129–131.
6. Все об аллергии Под редакцией Н.В.Морозовой Москва,2010 г.
7. Chuchalin A.G., Khaltaev N., Antonov N. Chronic respiratory diseases and risk factors in 12 regions of the Russian Federation // International Journal of COPD 2014:9 963–974
8. Najmitdinovna K. G., Ergashevna K. Z. Acute Bronchiolitis in Children //Eurasian Research Bulletin. – 2022. – Т. 12. – С. 38-42.
9. Global Strategy for Asthma Management and Prevention. Revised 2016 // www.ginasthma.com.
10. Кудратова , Г., & Холмурадова , З. . (2022). ШИФОХОНДАН ТАШҚАРИ ЗОТИЛЖАМ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА



КОМОРБИД ПАТОЛОГИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ. ЎТКИР ДАВРДА ЮРАК-ҚОН ТОМИРНИНГ ЎЗГАРИШИ. Евразийский журнал медицинских и естественных наук, 2(9), 11–15.

11. 7. Chuchalin A.G., Khaltaev N., Antonov N. Chronic respiratory diseases and risk factors in 12 regions of the Russian Federation // International Journal of COPD 2014:9 963–974



Research Science and  
Innovation House